

SCIENCE

PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Jild 3, Son 11

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 11 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳақимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Kucharov Jamshid Qulnazarovich

ROSSIYANING PAXTA YETISHTIRISH BORASIDAGI SINOV-TAJRIBALARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR (TURKISTON TO'PLAMI MATERIALLARI ASOSIDA) 11-14

Taʼbaev Amirbek Ashirbaevich

Б.Х.КАРМИШЕВА АСАРЛАРИДА “ИЛК ҚАБИЛАЛАР”ГА ОИД ЭТНОНИМЛАР МАСАЛАСИ 15-23

Ҳамаев Нодирбек Мўминович

ТУРКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ УЧУН КУРАШНИНГ РИВОЖЛАНИБ БОРИШИ ВА УНИНГ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1924) 24-32

Tilavova Shahnoza Salohitdinovna

XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA BUXORO AMIRLIGIDA JADIDLARNING FAOLIYATI 33-36

Қозоқов Тоҳиржон Қодиралиевич

НАМАНГАНДА ҚОЗИЛАР ВА СУДЛАР ТАРИХИ 37-42

Артикбаев Ойбек Салимахамаатович

ЎЗБЕК-ҚОЗОҚ ЭТНОМАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ОИЛАВИЙ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРДА НАМОЁН БЎЛИШИ (XX АСР ТОШКЕНТ ВОҲАСИ МИСОЛИДА) 43-56

Atavullayeva Shaxlo Musoyevna

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BIRINCHI KONSTITUTSIYASINING YARATILISH TARIXI ... 57-62

8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Қўчқаров Файзулло Абдужабборович

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР – АГРАР СОҲАНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ 63-70

Shao Junling

ANALYSIS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN'S REGIONAL ECONOMY .. 71-76

Ashirov Nurmurod Qulmatovich

RAQAMLI TECHNOLOGIYALARDAN KENG KO'LAMDA FOYDALANISHDA BANK TIZIMINI IMKONIYATLARINI OSHIRISH YO'LLARI 77-82

Togayev Salim Sobirovich

BANK XIZMATLARIGA BO'LGAN ISHONCHNI OSHIRISH YOHUD MIJOZNI JALB QILISHNING SAMARALI YO'LLARI 83-89

Саттаров Ғанижон Озодович

МИНТАҚА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ 90-96

<i>Yakubova Samira</i> LEVERAGING PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIPS: STRATEGIES FOR OPTIMAL INVESTMENT FINANCING	97-102
<i>Abdualiyev Hamidulla Toxirjonovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASASINING INNOVATSIYALARNI BOSHQARISH TIZIMIDAGI LOYIHALARNI BOSHQARISH OFISI	103-109
<i>Egamberdiyeva Salima Rayimovna</i> XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA QISHLOQ XO'JALIGIDA AKTIVLAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH	110-118
<i>Xolmamatov Diyor Haqberdievich</i> SANOAT KORXONALARINING BOZORDAGI MAVQEINI BAHOLASHDA SPACE TAHLIL USULIDAN FOYDALANISH	119-127
<i>Gafurova Dilshoda</i> INNOVATIVE MANAGEMENT IN HIGHER EDUCATION: ASSESSING STRATEGIES AND IMPACTS	128-132
<i>Xomidov Abdugaffor Axmadjonovich</i> TA'LIM SOHASIDA LOYIHALARNI BOSHQARISH	133-139
<i>Raxmonov Mirvoxid Rajabovich</i> NAVOIY VILOYATI ASOSIY KAPITALIGA INVESTITSIYALAR TUZILISHI VA DINAMIKASI TAHLILI	140-149
<i>Boyjigitov Sanjarbek Komiljon o'g'li</i> DON VA DONNI QAYTA ISHLASH KORXONALARIDA MARKETING XIZMATI SAMARADORLIGINI BAHOLASHDA SNW TAHLIL USULINING O'RNI VA UNI QO'LLASH XUSUSIYATLARI	150-159
<i>Aziza Umarova</i> AKSIYALARNI BIRLAMCHI OMMAVIY JOYLASHTIRISH (IPO) AMALIYOTI ORQALI MOLIYAVIY RESURSLARNI SHAKLLANTIRISHNING HORIJ TAJRIBASI	160-167
<i>Абдуллаев Бунёд Ўткирович</i> СУРХОҲДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	168-178
<i>Matjonov Bekjon Ravshonbekovich</i> SOME CHARACTERISTICS OF ENSURING FOOD SAFETY IN UZBEKISTAN	179-185
<i>Алиматова Наргис Абдухалиловна</i> КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ-РАҚОБАТБАРДОШЛИК ОМИЛИ.....	186-197

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Kobulniyazova Gulchexra Toshpulatovna</i> F. NITSSHE “HAYOT FALSAFASI” KONSEPSIYASI IJTIMOY RIVOJLANISHNING IRRATSIONAL ASOSI	198-204
<i>Qaxorov Pulotjon Xursanmurodovich</i> INSON MOHIYATI, UNING BIOLOGIK VA IJTIMOY TABIATI	205-211
<i>Турсунов Лочин Эркинович, Хакимова Дилноза Юсуфхоновна</i> РАЗВИТИЕ ПРАВОВОГО СОЗНАНИЯ У ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ	212-218
<i>Urinboyev Dilmurod Tura o'g'li</i> HUQUQIY FAOLLIK VA HUQUQIY MADANIYATNI RIVOJLANTIRISH MUOMMOLARI.....	219-225
<i>Яздонов Зикирилло Шукуруллоевич</i> АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ СЎФИЁНА ҚАРАШЛАРИ ВА МАЛОМАТИЙЛИККА МУНОСАБАТИ	226-231
<i>Nabiyev Maxsud Abdumannonovich</i> IQTISODIY MADANIYATNING MAZMUNIVAMOHIYATI	232-238
<i>Haydaraliyev Shuhratjon</i> MARKAZIY OSIYODA MILLATLARARO MUNOSABATLARNING MILLIY VA MINTAQAVIY XUSUSIYATLARI	239-243
<i>Хамраев Сардорбек Шарафутдинович</i> ЭКОТУРИЗМ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ..	244-250
<i>Xashimov Sheraxon Jo'rahonovich</i> O'ZBEKISTONNING XALQARO IMIDJINI YUKSALTIRISHDA MILLIY TURIZMDAGI EKOLOGIK TURIZMNING TUTGAN O'RNI	251-260
<i>Хатамова Рашида Закиржановна</i> ПАТРИОТИЗМ КАК ЭЛЕМЕНТ КУЛЬТУРЫ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ	261-266
<i>Патиев Холдор Икромович</i> ЖАДИДЧИЛИК ҚАРАШЛАРИ НЕГИЗИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ЖАМИЯТДА РИВОЖЛАНИШИ	267-275
<i>Ismoilova Hayitxon Maxammadjonovna</i> FARG'ONA VODIYSIDA OILA URF-ODATLARI VA QADRIYATLARINING TRANSFORMATSIYASI VA UNING IJTIMOY JARAYONLARDA NAMOYON BO'LISH XUSUSIYATLARI	276-280
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i> GLOBALLASHUV VA OILA AXLOQIY MADANIYATINING O'ZARO ALOQADORLIGI	281-287
<i>Raxmankulov Farhod Raximkulovich</i> MULKDORLAR QATLAMIDA IJTIMOY MAS'ULIYAT TUYG'USINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI	288-292
<i>Shirinov Anvar Qanoatovich</i> MARKAZIY OSIYODA INSON TARAQQIYOTINING DOLZARB MASALALARI	293-299

Xandamova Marifat Akramovna
 “OSOR AL-BOQIYA” – ABU RAYHON BERUNIY ILMIIY IJODINING DURDONASI..... 300-304

Teshaboev Muhiddin Marifovich
 IJTIMOIIY DAVLATDA IJTIMOIIY ADOLATNI TA’MINLASH VA IJTIMOIIY INSTITUTLARNING
 MAQSADI 305-311

Karimov Rahmat Rahmonovich, Bekbayev Rauf Rustamovich
 MADANIY ANTROPOLOGIYA FANINING PREDMETI VA IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLAR
 TIZIMIDAGI O’RNI 312-320

Talapov Baxriddin Alijanovich
 DEMOKRATIYA VA SHARQONA BOSHQARISHNING ETNODIFFERENSIAL
 XUSUSIYATLARI 321-326

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Ayuzmuratova Nurjamal Dastembayeva
 КАРАКАЛПАКСКИЕ ЖЕНСКИЕ ЛИЧНЫЕ ИМЕНА..... 327-332

Olga Filippova
 ADDING REDUNDANCY FUNCTIONS TO CLUSTERED IMPLEMENTATION 333-345

Egamnazarova Zaynab Xolmurod qizi
 INGLIZ TILIDAGI RIELTORLIK FAOLIYATIGA OID TERMINLARNING O’ZBEK TILI O’ZLASHISH
 MASALALARI 346-351

Narzieva Gulnoza Akbarovna
 LEKSIK BIRLIKLARDA MILLIY – MADANIY KOD IFODASI 352-357

Qodirova Mukaddas Tog’ayevna, Ibragimova So’g’diyona Ikrom qizi
 INGLIZ-O’ZBEK TILLARIDA VERBAL VA NOVERBAL MULOQOT TABULARINING
 QO’LLANILISHI 358-362

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

Tўраев Сардор Абдихаким ўғли
 ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ
 ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ УМУМИЙ ЧОРАЛАРИ 363-371

Атаев Шокир Куранбаевич
 ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ
 АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ 372-377

Юсупов Илхомжон Ибодиллаевич
 ҲУҚУҚИЙ АНИҚЛИК ПРИНЦИПИНING АЙРИМ НАЗАРИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ
 ХУСУСИДА 378-385

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Adizova Nigora Baxtiyorovna
 MUAMMOLI TA’LIM ASOSIDA BOSHLANG’ICH SINIF O’QUVCHILARINING DIVERGENT
 TAFAKKURINI TARBIYALASH VA RIVOJLANTIRISH 386-390

<i>Tkacheva Anastasiya Aleksandrovna</i> O'ZBEKISTON OLIY O'QUV YURLARI TALABALARINING IJTIMOYIY-MADANIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH UCHUN ISPAN TILINI O'QITISHDA VIRTUAL REALLIKDAN FOYDALANISH	391-400
<i>Uralova Muxabbat Sanjar qizi</i> BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHISINING IJODIY-METODIK FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH.....	401-406
<i>Kenjabaev Jahongir Abdusalimovich</i> METHODOLOGY FOR TEACHING ENGLISH BASED ON INTERNET RESOURCES	407-411
<i>Abdusamatov Alisher Sobirovich</i> TA'LIMNI LOYIHALASHTIRISH JARAYONIGA SEMIOTIK YONDASHUV	412-417
<i>Ibragimova Ehtiyotxon Ismailovna, Sobirova Nargiza Numonjonovna</i> TA'LIMDA NOVERBAL VOSITALARNING O'RNI	418-422
<i>Babayeva Maxfuza Abduvaitovna</i> TA'LIMDA FANLARARO BOG'LANISHNING AHAMIYATI	423-429
<i>Nazarova Zarrina Allaberdiyevna</i> MAKTAB O'QITUVCHILARINING KREATIV SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH USULLARI.....	430-435
<i>Jumayeva Gulnora Tursunpulatovna</i> O'QITUVCHILARINING KASBIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHNING SHART- SHAROITLARI	436-442
<i>Умаров Азиз Авазович</i> ИСПОЛЬЗОВАНИЕ АУДИОВИЗУАЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА	443-447
<i>Ahmadjonova Odina Anvarjon qizi</i> INGLIZ TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNING KOMMUNIKATIV NUTQIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH METODIKASI(STEAM TA'LIM TEXNOLOGIYASI MISOLIDA).....	448-453
<i>Otamurodova Shamsu Qamar Otamurodovna</i> DIVERSIFIKATSIYA TAMOYILI ASOSIDA TALABALARNING KREATIVLIGINI YUZAGA CHIQRISH METODIKASI	454-461
<i>Komilov Nodirbek Bokijonovich</i> THE IMPORTANCE OF THE HISTORY OF MEDICINE IN INCREASING THE EXCLUSIVE COMPETENCE OF FOREIGN STUDENTS	462-466
<i>Sapieva Nargiza Mamayusufovna</i> IQTIDORLI O'QUVCHILARNING KREATIV FIKRLASH KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNI IJTIMOIY-PEDAGOGIK QO'LLAB-QUVVATLASH	467-478
<i>Norqobilova Rayxona Davlatovna</i> XORIJIY FANLARDAN BOLALARNING MAKTABGA TAYYORGARLIGINING DIAGNOSTIKASI	479-484

<i>Mamatkodirov Maxammadali Mamatisakovich</i> SINFDAN TASHQARI MASHG'ULOTLAR UCHUN RAQAMLI VOSITALAR VA PLATFORMALARNI HAMDA O'QITISH USULLARINI TANLASH	485-492
<i>Irgasheva Umida Raimjanovna</i> TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI STEAM TEXNOLOGIYASI ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH	493-498
<i>Turayeva Lolaxon Yuldashevna</i> ERKIN MEXANIK TEBRANISHLARNI MAPLE DASTURIY VOSITASI YORDAMIDA O'RGANISH VA NAMOYISH ETISH	499-505
<i>Kushakova Gulnora Egamkulovna</i> TALABA YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	506-510
<i>Kenjabayeva Dilafruz Abdisalimovna</i> OLIY O'QUV YURTI SHAROITIDA ZAMONAVIY O'QITUVCHINI TAYYORLASHNING DEONTOLOGIK KOMPONENTI	511-518
<i>Xasanova Gulnoza Raxatjanovna</i> KREDIT-MODULLI TA'LIM TIZIMI JARAYONIDA OLIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARINING MUSTAQIL ISHLARINI TASHKIL ETISH MUAMMOLARI	519-525

09.00.00-Фалсафа фанлари

Яздонов Зикирилло Шукурллоевич
Самарқанд давлат университети Ургут филиали

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ СЎФИЁНА ҚАРАШЛАРИ ВА МАЛОМАТИЙЛИККА МУНОСАБАТИ

Аннотация. Ушбу мақолада Марказий Осиёда тариқатларнинг шаклланиши ўзаро боғлиқлиги, ғоялари, тамойилларига таъсир кўрсатган омиллар тушунча ва категориялари таҳлил этилган. Шунингдек, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг мазкур тариқат ва таълимотларга муносабати ўрганилган.

Калит сўзлар: меҳр, муҳаббат, шафқат, макр, ҳйла, риё, кибр, ҳаким, ҳикма, сўфий, тасаввуф мутасаввиф, ҳадис, калом, нафс, қалб, руҳ.

Yazdonov Zikirillo Shukurilloevich
Urgut branch of Samarkand State University

AL-HAKIM AT-TIRMIDHI'S SUFI VIEWS AND HIS ATTITUDE TO CRITICISM

Abstract. In this article, the concepts and categories of factors influencing the formation of sects in Central Asia are analyzed. Also, al-Hakim al-Tirmidhi's attitude to these sects and teachings is analyzed.

Key words: affection, love, compassion, trickery, hypocrisy, hypocrisy, hypocrisy, arrogance, wisdom, wisdom, mysticism, mysticism, hadith, word, soul, heart, soul.

Яздонов Зикирилло Шукурллоевич
Ургутский филиал Самаркандского государственного университета

СУФИЙСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АЛЬ-ХАКИМА АТ-ТИРМИЗИ И ЕГО ОТНОШЕНИЕ К КРИТИКЕ

Аннотация. В данной статье анализируются понятия и категории факторов, влияющих на формирование сект в Центральной Азии, а также анализируется отношение аль-Хакима ат-Тирмизи к этим сектам и учениям.

Ключевые слова: привязанность, любовь, сострадание, хитрость, хитрость, лицемерие, высокомерие, мудрость, мудрость, мистика, мистика, хадис, слово, душа, сердце, душа.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I11Y2023N29>

Маломатийлик ва қаландарийлик ҳам ўзига хос ғояларни тарғиб қилишда тариқатларга ўз таъсирини кўрсата олган ҳаракатлардан ҳисобланади. Дунёнинг фонелигини билиш ва уни бутга айлантмаслик, ўткинчи олам иш ва ташвишлари деб меҳр-муҳаббат, шафқат ва мурувват талабларидан асло четлашмаслик – булар исломий асослар бўлиб, тасаввуф тараққиёти учун алоҳида аҳамият касб этган. Ўнинчи, айниқса

ўн иккинчи асрларга келиб эса салбий ўзгариш, ишонч-эътиқодда бузилишлар устунлик қила бошлаган. Сўфийликда сохтакорлик, макр, ҳийла ва риё авж олган. Буни мумтоз тасаввуфшуносларнинг афсус-надомат тўла танқидий гапларидан ҳам бемалол англаш мумкин.

Маломатийлик ва қаландарийликнинг айнан “риё”, “кибр”, “ужб” сохтакорликларга қаратилган маломатийлик ғоялари хилма-хил хатти-ҳаракатлари, урфларида намоён бўлиши уларнинг тариқат тамойилларига таъсири сўфийлик тажрибаларида ахлоқий аҳамиятга эга бўлган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда мавжуд бўлган тариқатларнинг маънавий-ахлоқий тамойилларининг такомиллашувига, муршид-мурид, устоз шогирд муносабатлари ўзгаришига сезиларли даражада ҳисса бўлиб кўшилган. Хонақоҳлардаги гўшншин шайхлар, узлатпараст пирлар уларнинг ҳаракатларидан хулосалар чиқарганлар. Риёкорлик кибрдан узоқлашишга ҳаракат қилганлар.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда ал-Ҳаким ат-Термизий яшаган даврда суфийлар “обид”(ибодат қилувчи) “зоҳид”(зҳд қилган мулклардан ўзини тортган) “воиз”(ваз айтувчи) шунингдек “ҳаким” деб номланганлар. Албатта бу тоифалар ўртасида маълум даражада фарқлар бор. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳам ушбу лақабга сазовор бўлиши бежиз эмас. Унинг асарларида “ҳаким” ва “ҳикма” мавзуси жуда муфассал таҳлил қилинади. Аммо нима учундир “суфий”, “тасаввуф” истилоҳларини унинг асарларида учрамайди. Ал-Ҳаким ат-Термизий кўп жойда “жун кийганлар”ни зикр этади, бироқ уларни “суфий” деб атамайди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий учун илм – нарсаларнинг зоҳирий томонларини англаб етиш, ҳикма эса ашёларнинг моҳиятини, ички борлигини билишдир [1; Б.59.]. Чунончи, ал-Ҳаким ат-Термизий зоҳир ва ботин бир-бирига ошно эканига доимо ишора қилади: “Улар бир-биридан ажралмайди. Илм бу шариатнинг баёни бўлиб, у Аллоҳнинг бандаларига ҳужжатиدير. Ҳикма эса ҳақиқат баёнидир. Кимки, илм аз-зоҳир билан ўралиб олиб, илм ал-ботинни инкор этса, у мунофиқдир. Агар кимки илм ал-ботинни ўзлаштириб, шариатни татбиқ қилишлик учун илм аз-зоҳирни инкор этса, у зиндиқдир. Унинг илм ал-ботиндаги билими ҳақиқий эмас, бу фақат шайтоннинг унга қилган васвасасидир” [2; Б.52-53.].

Шундай қилиб, ал-Ҳаким ат-Термизийга кўра, ҳаким – бу Аллоҳга талпинувчи, атроф-муҳит ва нафсни билишга интилувчи, ислом анъаналари доирасида табиатни ва ўзлигини англаб етишни ўрганиб, ўз тушунчаларини янада ривожлантира оладиган инсондир. Ҳакимнинг билими – ҳикма, яъни ички моҳият ҳақидаги билимдир. Илм ал-ботин – бу ҳикмадир. “Наводир ал-усул”да ал-Ҳаким ат-Термизий бир неча жойда “уламо ал-ботин ва ҳум ал-ҳукамо” яъни, ботин уламолари – ҳакимлар эканини таъкидлаган [3; Б.358.].

Ўзининг бу каби мулоҳазалари билан ал-Ҳаким ат-Термизий ислом ҳуқуқшунослигини илм ал-ботин нуқтайи назаридан қайта кўриб чиқилиши ва шу йўл билан жамиятни ислоҳ этишни кўзда тутди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий яшаган муҳитида “тасаввуф”, “суфий” деган истилоҳлар хали Мовароуннаҳр ва Хуросон мистикасига нисбатан қўлланилмас эди. Бу истилоҳлар Ироқ мактаби тасаввуфига нисбатан истифода этилган бир пайтда, минтақа тасаввуф вакиллари хали зуҳд ҳақида мунозара олиб борганлар. Шунингдек, улар ҳикма

масаласига, ботиний масалаларга катта эътибор берганлари учун уларга нисбатан ҳақим, воиз, зоҳид, обид истилоҳлари қўлланилган. Лекин кейинги давр тарожим ва табақот жанридаги манбаларда улар ёппасига “суфий”лаштирилган. Бу ҳолат Ироқ тасаввуф анъаналарининг Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуф анъаналари билан қоришиб кетиши билан боғлиқ. Мутасаввиф яшаган минтақа муҳитида катта таъсир кучига эга бўлган маломатия сўфиёна ҳаракатига нисбатан ал-Ҳақим ат-Термизийнинг эгаллаган мавқеи ҳам алоҳида эътиборга молик. Гарчи, ал-Ҳақим ат-Термизий маломатия мактабига мансуб шахслар билан яқин муносабатда бўлган ва улар билан жуда дўстона алоқалар ўрнатгани билан, маломатийлар таълимотининг асосий ғояси бўлган “ихлос” ва “сидқ”ни улар каби энг бирламчи мақсад деб билмайди. Сидқ ва ихлос солиқнинг асосий мақсад-муроди вусул ила-л-лоҳ (Аллоҳга етишиш) йўлидаги атиги бир восита деб таъкидлайди. Маломатиянинг йирик шайхларидан бири, кўплаб издошларга эга Абу Усмон ал-Ҳирийнинг унга сўфиёна ҳолат ҳақида маслаҳат сўраб хат билан мурожаат этиши, ал-Ҳақим ат-Термизийнинг минтақадаги мавқеи юқори бўлганини кўрсатади.

Ал-Ҳақим ат-Термизийфаолият кўрсатган даврдаги диний-сиёсий вазият анча кескин эди, чунки айни шу даврда Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақасида хорижийлар, шиалар, муътазиллийлар, жаҳмийлар, рофизийлар ва бошқа турли оқимлар ўз таълимотларини тарқатаётган эди. “Наводир ал-усул”да бу тоифаларнинг барчасига раддия берган ҳолда “савод ал-аъзам”, яъни, аҳли сунна ва-л-жамоага эргашиш кераклиги таъкидланган. Шулардан маълум бўлади-ки, ал-Ҳақим ат-Термизий аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқодида бўлган. Гарчи, карромийлик таълимоти ал-Ҳақим ат-Термизий яшаган муҳитда бирқадар оммавий тус олган бўлса ҳам, у карромийларнинг таълимотига хос бўлган “тафзил ал-авлиё ала-л-анбиё” (авлиёларни анбиёлардан устун қўйиш), “тарк ал-макосиб” (касб-хунарни тарк этиш), тиланчилик ҳисобига кун кечириш каби ғояларни “Наводир ал-усул”да кескин танқид қилади. Ал-Ҳақим ат-Термизийнинг дунёқараши соф исломий ақидалар асосида шаклланган. Баъзи шарқшунослар томонидан кўрсатилган христианлик ва буддавийлик таълимотларининг таъсири унинг энг йирик асари “Наводир ал-усул” ҳамда “Манозил ал-ибод”, “Хатм ал-авлиё”, “Баён ал-фарқ”, “Ғавр ал-умур” каби асарларида кузатилмайди. Шунингдек, унинг ҳақим лақаби, юнон фалсафаси таъсиридаги файласуф деган маънони бермайди. Ал-Ҳақим ат-Термизий учун илм – нарсаларнинг зоҳирий томонларини англаб етиш, ҳикма эса ашёларнинг моҳиятини, ички борлигини билишдир. Яъни, илм ал-ботин-бу ҳикмадир. Ҳақим эса ҳикмани эгаллаган инсондир. “Ҳикма” сўзини бу тарзда тушуниш ал-Ҳақимат-Термизийга деярли замондош бўлган ёки бироз кейинроқ яшаган бир қатор мистикларда ҳам учрайди. Бу даврдаги “ҳикма” ҳақидаги фикрларини умумлаштирадиган бўлсак, икки хил хулосага келинади. Ҳикма-инсон ўз саъй-ҳаракати билан эришадиган хислат. Уни “илоҳий инъом”сифатида таърифлаган қарашлар ҳам бўлган.

Ўтган асрда шўро мафкураси ўрта асрларда яшаб ижод этган Ўрта Осиёлик алломалар илмий, диний-фалсафий, тасаввуфий асарларини хурофий ижод маҳсули сифатида қоралаб, уларни тадқиқ этишга йўл қўймади. Жумладан, “Ўрта асрларда кенг тарқалган тасаввуф, сўфизм, тасаввуф оқимининг вакиллари бўлмиш сўфийлар меҳнат

қилмасдан, гадолик ва хайр эҳсон билан кун кечирганлар, дарбадар юриб хурофий ва мутаассибликни тарқатганлар” [4; Б.158-162.]. –деган сохта даъвони илгари сурган эди.

Ҳолбуки, Шарқ фалсафий тафаккури тарихининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган тасаввуф маданиятимиз тарихида муҳим ўринга эга бўлган. У ижтимоий онг ва фалсафий тафаккур ривожига сезиларли таъсир кўрсатган. Адабиёт ва санъат, бадиий тафаккурга ғоявий манба бўлиб, маънавий-ахлоқий, умуминсоний қадриятларни ўзида жамлаган.

Тасаввуфшунос олим И.Ҳаққулов фикрига кўра, тасаввуф тарихи жуда узоқ, айна пайтда ниҳоятда мураккаб бир тарихдир. Ҳазрати Пайғамбар(с.а.в.) даврида барча ислом илмлари муштарак бўлиб, фикр, калом, тасаввуф дея ажратишлар бўлмаган.

Қуръони Каримда тасаввуф калимаси учрамайди. Расули акром(с.а.в.) даврида ҳам бу сўз деярли қўлланилмаган. Лекин кунларини ҳақиқий ишқ шавқи билан ўтказган, қалб поклигини ҳар нарсадан юқори кўйган, бунинг учун эса кўнгилни ғафлат, жаҳолат, гумроҳликдан муҳофаза қилиб, моддий олам ташвиш-у муноқашаларидан ўзини фориг этиб руҳий қобилиятларини камолга етказишга уринган зотларнинг йўлига тасаввуф номи берилган.

Тасаввуфнинг туб моҳияти, зуҳд ва тақво билан ахлоқни гўзаллаштириш, руҳни сайқаллаштириб, тафаккур куч-қуввати билан қалбни мосиводан холос айлаб комиллик мақомига юксалишдир. Шу маънода тасаввуфни хулқ, қалб, ҳол илми ҳам деса бўлади. Унинг тили ҳам “куш тили”, “кўнгил тили” деб таърифланган.

Тасаввуфнинг асосий ғояси нафс тарбияси, руҳ тазкияси, гўзал ахлоққа етишиш “тажриба”си. Шайх Сухравардийга фикрига кўра, тасаввуфнинг аввали илм, ўртаси амал, охири илоҳий ишқдир. Илм мақсадни кашфга йўналтиради, амал толибга ёрдамчи бўлади, мавҳиба эса инсонни Аллоҳга восил этади. Шунинг учун бутун ижодиёти мобайнида тасаввуф тарихи, тариқатлари ва унинг маъно оламига алоҳида бир эътибор билан қараган Алишер Навоий асарларини пухта ўқиб ўргангандан сўнг тасаввуфни саёз ёки хато англаш мумкин эмаслигига асосий бир сабаб ҳам ана шудир.

Дунёнинг фонелигини билиш ва уни бутга айлантирмаслик, ўткинчи олам иш ва ташвишлари деб меҳр-муҳаббат, шафқат ва мурувват талабларидан асло четлашмаслик – булар исломий асослар бўлиб, тасаввуф тараққиёти учун алоҳида аҳамият касб этган. Демак, тасаввуфнинг келиб чиқишини эски Юнондан, ҳинд маданиятидан ёхуд форс хурриятчилигидан излаш, ғайриилмий йўлини танлашдир. Тасаввуф, ибодат, риёзат, Ҳақ севгиси, маърифат билан қалбни тасфия этиш, ўз борлигини ҳақиқий ишққа бағишлаш, дилни мосиводан қутқазиб, Аллоҳнинг барча амрларини бажариш, таъқиқланган ишлардан узоқлашишдир. Тасаввуф худбинлик, манманлик, зоҳирий ютуқ ва муваффақиятларга таслим бўлишни енгиб, ҳиммат ва шафқат, марҳамат ва садоқат йўлидаги хизматдир. Тасаввуф лоф тўқиш, сўзбозлик қилиш, ўзни кўз-кўз этиш ўрнида самимият, ихлос, ҳикмат ва ирфонни англаш тажрибасидир.

Тадқиқотчи профессор Б. Намозов Хожа Муҳаммад Порсо Ҳужвирийнинг фикрларига қўшилиб, “Аллоҳни билиш икки хил бўлади: илмий ва ҳолий. Илмий билиш бу дунёвий нарсаларни ва қабрдан ташқаридагиларни билиш. Ҳолий билиш эса, бу инсоннинг доимий вақтда ва ҳолатда Аллоҳни билишидир” [5; Б.42.]. -деган фикрини келтирган. Тасаввуф илмларидаги улуғ шайхларнинг фикрлари уларнинг ҳикматини англаш имконини беради деб ҳисоблайди. Мутафаккир фикрларига ойдинлик

киритишга ҳаракат қилиб айтадики: Одамлар Аллоҳни билиши У тўғрисида ҳақиқий билимга эга бўлишдир, дейдилар. Тариқат шайхлари эса, Аллоҳни билиш ҳақиқий ҳолга эришишда, деб ҳисоблайдилар. Бу билан улар Ҳолий билишни илмий билишдан афзалроқ деб, биладилар” [5;Б.33.]«Бизнинг тариқатимиздан бўлган баъзи орифлар ўз билимсизликлари туфайли ҳол шарафи илмдан эканлигини англамасдан, ҳолни (илми ҳол, сўфийлар илми) илмдан устун деб, биладилар. Бироқ, ҳоллар (илми ҳолга эришганлар) мақомотларнинг муҳиблари бўлиб, мақомотларни эгаси саналадилар. Шунга кўра, уларни ўз вақтининг соҳиби дейдилар. Айтиш мумкин-ки, ҳолнинг шарафи охиратда бўлиб, дунёда эмасдир. Илм ва мақомнинг шарафи эса дунёда ва охиратдадир” [5; Б.33.]. Хожа Муҳаммад Порсо ўз фикрларини асослаб айтади-ки, Аллоҳ Қуръонда ўз қули Муҳаммадга “Роббим илмимни зиёда қил” [6; Б.320.]. — деб, айтган. Агар ҳол шарафлироқ бўлганида ҳолни зиёда қилишни буюрган бўларди, дейди. Демак, тасаввуф орифлар йўли солиқларнинг Аллоҳга томон манзиллардан ошиб борадиган йўлидир.Тасаввуфнинг асл ҳақиқатини унинг ҳикматини англаш сўфийлик ҳаётини бошдан кечирганлар улуғ мутасаввифлар англаганлар.

Хулоса қилиш мумкинки, тасаввуф фалсафаси яратувчи ва инсон, табиат ва жамият муносабатларини ўз мезонлари билан англашга ундовчи таълимот бўлиб, Ҳақ ва ҳақиқат дунё ва унинг фонийлиги, инсон камолоти йўлларини кўрсатувчи маслакдир.У Қуръон ва Суннага таянган соф эътиқоддаги таълимотдир.

Илк тасаввуф даври алломалари меросини ўрганиш тасаввуфнинг шаклланиши бошқа таълимотлар билан алоқадорлиги ва фарқини англаш имконини беради. Шунингдек, у олам ва одам муносабатларини фалсафий-ирфоний ўрганиш йўли сифатида ҳам намоён бўлади.

Ҳаким ат-Термизий, Абу Бакр Калободий, Хожа Муҳаммад Порсо мероси тасаввуфнинг назарий тизимини чуқур ўрганиш, унинг фалсафий ирфоний масалаларини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.Унинг бошқа ҳар қандай таълимотларнинг таъсирида вужудга келганлиги, исломдан ташқаридаги бир таълимот эмаслигини асослашда ҳам ўз ўрнига эга ҳисобланади.

Маломатийликнинг тасаввуфий тариқатларга ғоявий таъсири уларнинг нафс ва қалб поклигига оид тамойилларини такомиллаштирди.Сидқ ва ихлос атрофида бирлаштирди.Ҳар қандай риё кибр ва сохтакорликларга қарши курашга ундади.Ўзини ўзи англашига, ўзини ўзи такомиллаштириб руҳий-маънавий камолотга етиш йўлларини кўрсатиб берган.

Марказий Осиёнинг ҳанафийлар муҳити кўплаб тариқатлар, таълимотларнинг шаклланишига имконият яратган.Бошқа ҳаракатлар, оқимлар, тариқатлар қаторида ўзига хос тарзда фаолият олиб борган маломатийлик ва қаландарйлик ҳам “ўз нафсини” маломатга солиш йўли билан ўзликни таниш, нафсини танишга ундаб келган.

Маломатийликнинг шаклланиши ва ривожланиши кейинги қаландарийлик, дарвешликка ўхшаган ҳаракатлар, тариқатларнинг ҳам вужудга келишига туртки бўлган.Айниқса, нафсни поклаш, қалб тазкияси, Аллоҳни таниш унинг олдида фақрлик сифатларини ўзига сингдириш амалиётлари инсонни руҳий-маънавий покланишга, ўзини-ўзи такомиллаштириш орқали ҳақиқатни англашга ундаган.

Ислом дини у билан боғлиқ таълимотларнинг негизида Қуръон ва Суннанинг асос бўлиб туриши тариқатлар, таълимотларнинг тўғри йўлда эканлигини англаган,

адашган ёки ирфондан йироқ қуруқ даъволардан иборат оқимлар тез фурсатда таназулга юз тутганлар.

Маломатийликнинг ўзини маломат қилиш орқали мақсадга, Ҳақ ризолигига эришиш йўллари кейинчалик кўплаб тариқатларга ўз таъсирини ўтказган. Риё, ужб, кибрдан йироқ бўлишга ундаган ғоялари тариқатларнинг ислоҳ бўлишга олиб келишда туртки бўлди. Қаландарийлик тариқатининг вужудга келишига ҳам замин яратди. Ўзининг ғоялари билан мавжуд таълимотлар, қарашларга таъсир кўрсатди.

Қаландарийликнинг Марказий Осиёда шаклланиши унинг кенг ҳудудда фаолият олиб бориши, жамиятдаги баъзи иллатлардан қутулиш йўли сидқ ва ихлосда эканлигини халқ орасидаги амалий ҳаракатлари билан тарғиб қилиши унинг бадий адабиётда янгича бадий тафаккурни бойитиб турли дарвешона, қаландарона тимсолларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Моварунаҳр ва Хуросон ўлкаларида қаланданомаларнинг ёзилишига замин яратди. Бу маънавий мерос ерлик халқларнинг маданияти тарихи ва ижтимоий фикр тараққиётини ўрганишда хизмат қилади.

Ўрта асрларда Марказий Осиё қаландарлари ҳанафийликка амал қилиши, солиқнинг тариқат мақомларини ўтаб, ижтимоий фаол ҳаётга қайтиши ҳамда ташқи қиёфаси жиҳатидан ҳозирги Эрон ва Туркия қаландарларидан фарқланган. Улар орасидаги фарқлар зикр амалиёти, ҳирқа турлари ва эътиқодий қарашлар масалаларида ҳам намоён бўлган. Марказий Осиёда ҳайдарийлар, ишқийлар, хароботийлар ва абдолийлар қаландарийлик йўналиши вакиллари сифатида яқка ёки гуруҳ тарзида фаолият олиб борганлар.

Adabiyotlar/Literatypa/References:

1. Ас-Сайид ал-Жамилий, Аҳмад ас-Сойих. «Наводир ал-усул» нашрининг кириш қисми. – Б. 69.
2. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Байон ал-фарқ байн ас-садр ва-л-қалб ва-л-фу'ад ва-л-лубб. – Б. 52-53.
3. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Наводир ал-усул. Т.1. Б. 358.
4. Хожа Муҳаммад Порсо. Фаслу-л-хитоб. Қўлёзма. Таржима Н.Б. –Бухоро: Когон, нақшбандия тариқати музейи фонди. Инв.42. 1443. й.33-варақ.
5. Қуръони Карим. Тоҳа сураси 114-оят. Муҳаммад Содик, Муҳаммад Юсуф. Маънолар таржимси. -Тошкент: Шарқ, 2009-Б 320.
6. Ислом: справочник/М.А. Усмонов таҳрири остида.-Тошкент. Ўзбек Совет Энциклопедияси бош редакцияси,-1987. Б.- 158-162.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 11 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).